

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВ МУСТАФО ТОЙИРҚУЛОВИЧ

ДУНЁНИНГ ЭЗОТЕРИК МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 141.339:111.1:164.2(100)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Хидиров Мустафо Тойиркулович

Дунёнинг эзотерик манзараси ва унинг эволюцияси..... 3

Хидиров Мустафо Тойиркулович

Эзотерическая картина мира и её эволюция..... 21

Khidirov Mustafo Toyirkulovich

Esoteric view of the world and its evolution..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИДИРОВ МУСТАФО ТОЙИРҚУЛОВИЧ

ДУНЁНИНГ ЭЗОТЕРИК МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal178 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Шермухамедова Нигинахон Арслановна фалсафа фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Давронов Зиёдулла Давронович фалсафа фанлари доктори, профессор Туленова Карима Жандаровна фалсафа фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент давлат транспорт университети |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» июль соат 12-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «16» июлдаги № 9 рақамли реестр баённомаси).

И. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёс.ф.д., профессор

Г.М. Рузматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

О.Ж. Нишоновна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан тараққиёти дунёнинг манзарасига иккиёқлама муносабатнинг шаклланишига, инсониятнинг табиий ҳодисаларнинг номаълум жиҳатларини илмийлик мезонлари асосида ўрганишига имкон бермоқда. Цивилизациянинг макон-вақт эволюциясида илмий ва эзотерик билимларнинг мутаносиблигини таъминлаш янги билимлар тизими ривожининг муҳим омилига айланмоқда. Зеро, фан дунёнинг манзарасини илмий билимлар асосида шакллантирса, эзотерик таълимотлар эса паранормал ҳодиса сифатида дунёнинг эзотерик манзарасини ташкил этмоқда. Фан тилида тушунтириш мумкин бўлмаган воқеликка эзотерик билим нуқтаи назаридан баҳо берилмоқда. Айнан шу боис дунёнинг эзотерик манзараси ва унинг эволюциясини фалсафий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги давр учун долзарб аҳамиятга эга.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида файласуф, этнограф, филолог, сиёсатшунос, маданиятшунос, психолог ва социолог олимлар эзотеризмнинг моҳияти ва номаълум табиий жараёнларнинг илмий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Эзотеризмнинг фан тараққиётидаги аҳамиятини очиб бериш, унинг инсон маънавий-руҳий оламига таъсирини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ноанъанавий билим шакллари дунё эзотерик манзарасининг умумий хоссаси сифатида инсон иродасини мустаҳкамлаш, унинг дунёга муносабатини тартибга солиш омили эканлигини тарихийлик тамойили асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда дунёнинг эзотерик манзараси билимнинг таркибий қисми сифатида ривожланмоқда, инсоннинг маънавий-руҳий дунёсига таъсир этувчи восита сифатида амал қилмоқда. Хусусан, халқ табобатида эзотерик амалиётдан фойдаланишга эътибор қаратилиши саломатликни сақлашда ишонч ва эътиқод уйғунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда «халқ табобатининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув методик адабиётлар тайёрлаш»¹ белгиланган. Йоганинг эзотерик моҳияти бевосита инсоннинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, эзотеризм инсоннинг иродасини мустаҳкамлаш, руҳий покланишини таъминлаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда шифокорлар эзотерик ҳодисаларнинг тиббиёт, халқ табобати билан боғлиқ жиҳатларига, психологлар ва файласуфлар эса, инсон руҳиятига таъсирига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Эзотеризм инсон ва табиат борлигини ўрганишнинг муҳим омили сифатида долзарб аҳамият касб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4668-сон Қарори. – <https://lex.uz/docs/4785739>.

этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармони, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон, 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968-сон, 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сон, 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбирини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4668-сон қарорлари ва ушбу мавзуга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дастлабки эзотерик ғоялар Қадимги Ҳиндистонда индуизм ва жайнизм оқимларининг турли маросимлари ва урф одатларида, Қадимги Юнон файласуфлари Сукрот, Аристотель таълимотларида, Платоннинг «Критий» диалогда кузатилади. Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий², Абу Али ибн Сино³, Жалолоддин Румий⁴ ижодида оламнинг яралиши илоҳий хусусиятга эга эканлиги асосланган. Хусусан, Ибн Синонинг «Хай ибн Яқзон ўғли» рисолида инсон билимининг яширин маъносига ишора намоеън бўлади. Ўрта асрларда эзотеризм табиий жодугарлик сифатида инкор этилган бўлса, Уйғониш ва Янги даврда эса, хусусан, И.Кантнинг трансцендент ғоясида⁵ у ақл воситасида билиш мумкин бўлмаган нарса ва ҳодиса сифатида эътироф этилган.

XX асрда Ғарб эзотеризмининг спиритизм йўналишидаги ғоялари инглиз-америка мактаби намояндалари А.Верслуйс, Н.Гудрик-Кларк, Дж.Пирсон томонидан, оккультизм йўналиши минтақавий мактаби вакиллари В.Ханеграф, А.Февр томонидан ривожлантирилган. Ҳиндистонлик олимлар Чандра Мохан Джеин (Ошо), Трименгем, Шри Ауробиндо Гхош⁶, Шарқ эзотеризмининг хусусиятларини очиб берган. Ошонинг «Теософия ва эзотерика, ҳақиқатга йўл» монографияси ва «Эзотеризм» энциклопедиясида эзотерик билимлар кундалик амалиётнинг маҳсули эканлиги асосланган. Шри

² Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 135- 138.

³ Абу Али ибн Сина. Донишнома – Москва: Наука, 1957. – 402 с.

⁴ Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 368 б.

⁵ Кант И. Критика чистого разума. – Москва, 2007. – 1120 с.

⁶ Чандра Мохан Джеин. Наука и медитация. Весь 2016, Трименгем Дж.С. Суфийские орден в исламе. – Москва: Наука, 1989. – 328. с. Шри Ауробиндо. Собрание сочинений. Том 17. Синтез Йоги – 1 (2010).

Аурабиндо Гхошнинг қарашларида эса, эзотеризм дунёни интуитив идрок этишнинг воситаси⁷ сифатида таҳлил қилинган.

МДХда ҳам эзотеризм ноилмий билим шакли сифатида ўрганилган. Россия олимлари Т.Лешкевич Миср герметизмининг эзотерик хоссаларини, П.Флоренский, О.А.Иванова, Ғарб эзотеризмининг моҳиятини тадқиқ этган. Ф.Капранинг «Физика даоси» асарида эзотеризм руҳий энергия сифатида талқин этилган. Марказий Осиёда эзотерик таълимотларнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, Қозоғистон олимлари А.Масалимова, Т.Ғабитов, А.Курманалиева қарашларида унинг баъзи элементлари диний таълимотлар нуқтаи назаридан асосланган. Тожикистонлик олимлар М.Динаршоев, М.Рахимов, Н.Махмадизода Шарқ мутафаккири ижодидаги илоҳий куч ҳақидаги ғояларни эзотеризмнинг кўриниши деб баҳо берган.

Ўзбекистон олимлари О.Файзуллаев⁸, Б.Тўраев⁹, Н.Шермухамедованинг илмий тадқиқотларида эзотерик олам ҳақидаги ғоялар очиб берилган. Масалан, Н.А.Шермухамедова «Фалсафага кириш» китобида Миср герметизмининг аксиома ва тамойилларини, «Фалсафа ва фан методологияси» китобида фан ва эзотеризм мутаносиблигини, «Фан фалсафаси»¹⁰ китобида Ўрта асрлар табиий афсунгарлиги, оккультизмнинг баъзи жиҳатларини тадқиқ этган. Ш.Қаххарова «Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси»¹¹ асарида фикрнинг руҳий покланишга таъсирини асослаган. Х.И.Тошовнинг «Герметизм ғояларининг шаклланиш қонуниятлари ва трансформацияси»¹² мавзусидаги диссертациясида герметик ғоялар эзотеризмнинг назарий асоси сифатида ёритилган.

Олимларнинг эзотеризмга оид қарашлари таҳлили натижаларига кўра, ҳозирги кунгача унинг амал қилиш даражалари етарли ўрганилмаганлиги, дунёнинг эзотерик манзараси таснифи аниқланмагани боис, ушбу диссертацияда унинг тарихий илдизларини янги концептуал ёндашув нуқтаи-назаридан тадқиқ этишга ва ҳозирги даврдаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Таълим, фан, техника фалсафаси ва методологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дунёнинг эзотерик манзараси ва унинг эволюциясини онтологик ва гносеологик жиҳатдан очиб беришдан иборат.

⁷ Шри Аурабиндо. Идеал человеческого единства. – Санкт-Петербург: Мирра, 1998 – 215 с.

⁸ Файзуллаев О. Фалсафа ва фан методологияси – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – 124 б.

⁹ Тураев Б. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2015. – 376 б.

¹⁰ Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. – Тошкент: Ношир, 2013. – 316 б.

¹¹ Қаххарова Ш. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Маънавият, 2009. -448 б.

¹² Тошов Х.И. Герметизм ғояларининг шаклланиш қонуниятлари ва трансформацияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсоннинг олам тўғрисидаги тасаввурлари эволюцияси, унинг тадрижий ривожланиш босқичларидаги маънавий ва рухий дунёсидаги ўзгаришлар, борлиқнинг эзотерик моҳияти, унинг қонуниятлари ҳамда объектив ва субъектив жиҳатларини очиб бериш;

дунёнинг эзотерик манзараси инсоннинг онги ва тафаккур шакли, индивидуал хусусиятлари, олам тўғрисидаги дунёқараши, дунёни идрок этиши ва табиат ҳодисаларни тушуниш билан боғлиқ эканлигини фалсафий жиҳатдан асослаш;

эзотеризмнинг мавжудлиги ижтимоий, психологик, иқтисодий, эвристик жиҳатдан халқларнинг маънавий салоҳият даражаси, урф-одат ва қадриятларининг хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

эзотерик билимлардаги ворисийликнинг таъминланиши билан боғлиқ сирлилик, анъанавийлик, замонавийлик каби турли хил хусусиятларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дунёнинг эзотерик манзараси олинган.

Тадқиқотнинг предметини дунёнинг эзотерик манзараси ва унинг эволюциясини онтологик, гносеологик жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстрактликдан конкретликка ўтиш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш усулларида, шунингдек, ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, ворисийлик тамойилларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсоннинг олам тўғрисидаги тасаввурлари эволюцияси, унинг тадрижий ривожланиш босқичларидаги маънавий ва рухий дунёсидаги ўзгаришлар, оламни билиш даражаси, борлиқнинг эзотерик моҳияти, унинг қонуниятлари билан боғлиқ коинот ва инсон уйғунлиги, ижтимоий-маданий жараён, коммуникативлик каби объектив шарт-шароитлари ва билишнинг ақлий, эмпирик, интуитив, ҳиссийлиги каби субъектив омиллари очиб берилган;

дунёнинг эзотерик манзараси инсоннинг онги ва тафаккур шакли, индивидуал хусусиятлари, олам тўғрисидаги билимлари, дунёни идрок этиш қобилияти ва табиат ҳодисаларини тушуниши билан боғлиқ эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

эзотеризмнинг ижтимоий, психологик, эвристик жиҳатлари халқларнинг маънавий салоҳияти, эътиқоди, миллий-маънавий мероси, урф-одат ва қадриятлари билан ўзаро боғлиқлиги фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

эзотерик билимлардаги ворисийликнинг таъминланиши билан боғлиқ сирлилик, анъанавийлик, замонавийлик каби турли хил хусусиятларнинг намоён бўлиши очиқ ёки яширин кўринишда эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эзотеризмнинг онтологик, гносеологик жиҳатлари, унинг табиий-илмий билимлар билан умумий алоқадорлиги, табиатдаги мистик ҳодисаларда намоён бўлиши, уларнинг инсон дунёқарашига таъсир этишидаги объектив ва

субъектив омиллари ишлаб чиқилган;

дунёнинг эзотерик манзарасини ўрганувчи турли мактаблар ва оқимларнинг фаолиятида инсон омилидаги яхшилик ва ёмонликнинг намоён бўлишига оид ғояларни ўрганишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фан ва фалсафанинг мутаносиблигини таъминлаш, табиий ҳодисаларнинг сирларини ўрганиш, ноанъанавий тиббиётнинг моҳиятини тушунтириш, фалсафа ва диншунослик фанининг мифология билан боғлиқ мавзуларини ўрганиш, эзотерик билим ва таълимотларнинг табиий фанлар билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашга доир илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эзотерик таълимотларнинг аҳамиятини ўрганишга оид илмий-амалий тадқиқотларни олиб боришда, хусусан, фан ва эзотеризмнинг ўзаро алоқаси ва фарқини асослашда, таълим-тарбиявий жараёнларда, мифология ва дин, фалсафа ва фаннинг моҳиятини очиқ беришга оид ўқув адабиётларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дунёнинг эзотерик манзараси ва унинг эволюцияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

инсоннинг олам тўғрисидаги тасаввурлари эволюцияси, унинг тадрижий ривожланиш босқичларидаги маънавий ва рухий дунёсидаги ўзгаришлар, оламни билиш даражаси, борлиқнинг эзотерик моҳияти, унинг қонуниятлари билан боғлиқ коинот ва инсон уйғунлиги, ижтимоий-маданий жараён, коммуникативлик каби объектив шарт-шароитлари ва билишнинг ақлий, эмпирик, интуитив, ҳиссийлиги каби субъектив омилларига оид ғоялардан «Фалсафа» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-3072-сон маълумотномаси). Натижалар борлиқнинг эзотерик талқини, нозик рухий энергиянинг таъсир кучини тушунишга хизмат қилган;

дунёнинг эзотерик манзараси инсоннинг онги ва тафаккур шакли, индивидуал хусусиятлари, олам тўғрисидаги билимлари, дунёни идрок этиш қобилияти ва табиат ҳодисаларини тушуниши билан боғлиқ эканлигига оид хулосалардан «Табиатшунослик фалсафаси» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги 89-03-3451-сон маълумотномаси). Натижалар ноаниқ табиий ҳодисалар намоён бўлишининг моҳиятини англаш ва мистик ҳодисалар инсоннинг оламни билишга эҳтиёжини таъминлашига хизмат қилган;

эзотеризмнинг ижтимоий, психологик, эвристик жиҳатлари халқларнинг

маънавий салоҳияти, эътиқоди, миллий-маънавий мероси, урф-одат ва қадриятлари билан ўзаро боғлиқлигига оид ғоялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси билан Миллий маданий марказларининг фундаментал лойиҳалари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 16 октябрдаги 01-07-1244-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг урф-одатлари ва анъаналаридаги эзотеризм элементларининг руҳий энергия сифатида намоён бўлишини аниқлашга хизмат қилган;

эзотерик билимлардаги ворисийликнинг таъминланиши билан боғлиқ сирлилик, анъанавийлик, замонавийлик каби турли хил хусусиятларнинг намоён бўлиши очик ёки яширин кўринишда эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини оширишга, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури»нинг III боб 19-бандида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 23 февралдаги 02/07-221-сон маълумотномаси). Натижалар инсон фаолиятининг маънавий-руҳий барқарорлигини таъминлайдиган фундаментал ғояларнинг шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги,

илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Дунёнинг эзотерик манзараси – фалсафий тадқиқотлар объекти» деб номланиб, унда дунёнинг эзотерик манзарасининг фалсафий илдизлари, оккультизм, спиритизм ва мистицизмнинг илмий билимдан фарқи очиб берилган.

Диссертацияда «эзотерика», «эзотеризм» ва «экзотеризм» тушунчаларининг моҳияти фалсафий асарлар мазмунининг тизимли таҳлили асосида очиб берилган. Агар «эзотерика» яширин билим, «экзотеризм» инсон руҳига ташқи таъсир бўлса, «эзотеризм» инсонни ички комилликка етакловчи илоҳий билимни ифодалайди. Муаллиф томонидан тадқиқот мавзусига оид адабиётлар мазмунининг таҳлилига кўра, «Эзотерика», сўзи биринчи марта 1701 йилда Томас Стэнлининг «Фалсафа тарихи»¹³ китобида Пифагор таълимотидаги очик ва ёпик билимларга нисбатан ишлатилган. Эзотеризм тушунчаси эса биринчи марта француз тилида 1828 йилда пайдо бўлган ва 1850 йилда Э.Леви¹⁴ томонидан оммалаштирилган, XVII-XVIII асрлар оралиғидаги дунё манзарасида эзотеризм янги талқинда ривожланган. XX асрда «Теософия жамияти» асосчиси (1875) Е.П.Блаватская эзотерик таълимотларнинг фалсафий жиҳатларини¹⁵ очиб берган, Рудольф Штейнер эзотерик қарашларга муқобил таълимот сифатида «антропософия» ва «антропософик» жамиятга¹⁶, шунингдек, XX аср бошларида Г.Гурджиёв «Тўртинчи йўл» деб номланган эзотерик тизимга асос солган¹⁷.

Мэнли Палмер Холл дин, мифология, метафизика ва оккультизмни ўрганиш мақсадида «Фалсафий тадқиқотлар жамияти»ни ташкил қилган. Муаллиф фикрича, XX асрнинг иккинчи ярмида фанларнинг интеграцияси ва дифференциацияси натижасида эзотеризм элементлари тан олинган, дунёнинг эзотерик манзараси фанда ҳам ўз ўрнини топа бошлаган. Шу боис, дунёнинг илмий манзарасида янги таълимот сифатида эзотеризм тушунчаси ўз ифодасини топмоқда. Эзотеризмнинг макон ва вақт бирлигида намоён бўлишига доир қарашлар хилма-хиллик касб этмоқда. Бу эзотеризмни ўрганишга методологик ёндашувни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Тадқиқотчи фикрича, эзотеризм ҳар бир инсон танасининг ўзига мос энергия зичлигидан ташкил топади. Тана қанча нафис бўлса, унинг қуввати ва онги ҳам шунча кучли бўлади ёки, аксинча, танада моддийликка тортилиш қанча кучли бўлса, у руҳиятдан шунча узоқ бўлиб, бу инсон жуда юқори табиий энергия қувватига эга эканлигидан далолатдир. Инсон вужуди шундай мураккаб тузилмаки, унинг ҳар бир қатлами борлиқнинг турли қисмларидан озиқланади ва қувват олади. Масалан, жисмоний вужуд табиат берган неъматларни истеъмол этади ва вужуднинг мазмунини айни шу неъматлар

¹³ Stenli T. History of philosophy. England: Oxsford university, 2010. – 247 p.

¹⁴ Леви Э. Учение и ритуал высшей магии: Универсальный ключ к эзотерической философии. с Переводчик: Костенко А. – София, 2014. – 320 с.

¹⁵ Блаватская Е.П. Ключ к теософии. – Москва: Амрита-русъ, 2020. – 328 с.

¹⁶ Штейнер Р. Как достигнуть познаний высших миров? (Путь посвящения) – СП(б): Деметра, 2018. – 208 с.

¹⁷ Гурджиёв Г. Встречи с замечательными людьми. – Москва: ЭНИГМА, 2018. – 368 с.

ташқил этади.

Муаллиф А.Фэврнинг «Ғарбий эотеризмга кириш»¹⁸ асарининг мазмуни асосида эотеризмнинг асосий белгилари сифатида макрокосм-коинот ва микрокосм-инсон ўртасидаги ўхшашликларга эга бўлган герметик ишонч, жонли табиатга бўлган ишонч, фикрнинг реал воқеликка айланишига ишонч, субъектнинг ўзлигини бутунлай ўзгаришига, унинг қайта туғилишига ишончни таснифлаган. Диссертант, эотеризм белгиларини таснифлаш орқали, коинот (макрокосм) ва инсон (микрокосм)нинг узвийлигини асослаган, шу билан бирга инсон руҳиятини эотерик билимлар марказига қўйган.

Муаллиф фикрича, эотеризмнинг моҳиятини «эотерик узилиш» кесимида кўриб чиқиш нотўғри, шунингдек, эотеризмни шу йўналишдаги қандайдир яширин ўлчовларга эга анъаналар билан ҳам таққослаш қониқарсиздир, чунки бугунги кундаги кўплаб эотерик оқимлар мустақил равишда ҳаракатланмоқда ва фанда эотеризм тушунчасига мос таърифни белгилашда янги стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

Диссертацияда оккультизм, спиритизм ва мистицизмнинг моҳияти очиб берилган. Агар «Оккультизм» (лотинча *occultus* – «сирли») яширин маъносини англатса, оккульти назария ҳодисалар ва жараёнларнинг асл сабаби номаълум табиий кучлар деган ғояга асосланади. Демак, муаллиф фикрича, оккультизм инсон ва космосда яшириниб ётган, лекин махсус биопсихоэнергетик тайёргарликдан ўтган кишиларгина тушунишга қодир бўлган таълимотларнинг умумий номидир. Магик амалларда намоён бўлувчи кучлар манбаини излаш оккульти фанларнинг муҳим вазифасидир. Муаллиф, бу манбани жонли табиатда излаш керакми ёки жонсиз табиатдами? деган саволга «Ҳозирги замон физика ва кимё фанлари кашфиётларидан излаган ва фан тилида тушунтириш имкони бўлмаган табиий жараёнлар илмий оккультизмдир», деб жавоб берган. У ўз фикрини Й.Г.Балагушкин ва В.Н.Назаровнинг эотерикани назарий асос, оккультизмни астрологик, магик ва бошқа амалиёт сифатида тушуниши мисолида асослаган. Айни пайтда, у Й.Г.Балагушкин ва В.Н.Назаровнинг фикрлари субъектив характерга эгаллигини, бу соҳада амалиёт ва назарияни мутлақлаштириш мумкин эмаслигини очиб берган.

Муаллиф, ҳозирги замон оккультизмнинг назарий асосини 1870 йилда спиритик ҳодисаларни эксперимент йўли билан ўрганиш мақсадида тузилган «Диалектика жамияти» фаолияти мисолида таҳлил этган. Унга кўра – баъзида мебель, пол ва деворлардан сирли овозлар таралаётгандек бўлиб туюлиши, баъзан уларга йўлдош тебранишларнинг ҳис қилиниши, оғир жисмларнинг ташқи таъсирсиз ҳаракатга келиши, одамлар яккалигида айрим овозлар таралиши спиритик ҳодисалардир.

Диссертацияда Э.Тирякяннинг «оккультизм фан тушунтириши ва ўлчаш имкони бўлмаган табиат ёки коинот кучлари ёки эотерик ҳаракатлар ва методлар мажмуи»¹⁹ деган таснифи таҳлил этилган. Муаллиф фикрича, бу

¹⁸ Faivre A. Access to western Esotericism. – Albany, 1994. P.– 10-15.

¹⁹ Edward A. Tiryakian. Toward the Sociology of Esoteric Culture // American Journal of Sociology. – 1999. №78. - 498 p.

ёндашувда эзотерик таълимотнинг моҳияти очиб берилмаган, у шунчаки эзотеризмнинг оккульти таълимотлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши ва оккульти онгида реалликнинг муайян акси бўлиши мумкин. Демак, эзотерика ва оккультизмнинг ўзаро алоқаси турмуш тарзини муайян амалиёт ва қонун-қоидалар тўплами воситасида шакллантиради, бу қонун-қоидалар ҳаёт тарзини тартибга солади ва анъанавий қоидаларни шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, эзотерика ва оккультизмнинг бир-биридан фарқи нафақат назарий аҳамиятга балки, амалий аҳамиятга ҳам эга. Зеро, эзотерик таълимотлар бошқа турдаги амалиётлар воситасида изҳор этилиши мумкин, оккульти амалиётлар эса, эзотерик назариялардан мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайдди. Айни пайтда, оккультизм ва эзотеризм назария ва амалиётга дахлдордир, аммо, оккультизмда амалий жиҳат назарий жиҳатдан устувор бўлса, эзотеризмда назарий жиҳат бирламчи аҳамиятга эга. Масалан, қоҳинлар руҳларни чақириш, туморлар ва сеҳрли воситалардан фойдаланиш бўйича ўзига хос йўриқномага эга бўлган. Бу йўриқномалар эзотерик характерга эга бўлган амалий фаолиятга асосланган. Шу боис, баъзи эзотерик билимлар моҳияти қоҳинлар китобида етарлича изоҳланмаган (масалан, руҳлар билан мулоқот, маг томонидан ишлатиладиган предметлар – хушбўй дамламалар, гиёҳлар, тошлардан фойдаланиш усуллари), яъни, бу матнлар шундай тузилганки, унинг ўзи йўриқнома вазифасини бажарган. Демак, магик ва бошқа барча оккульти адабиётлар дастлаб эзотерик билим таъсирида яратилган, уларнинг муаллифлари эса, муайян билимларнинг ташувчилари бўлган.

Диссертант фикрича, спиритизм қадимги Миср эътиқодига асосланади. Спиритизм тарафдорлари ўлган одамлар руҳи яшашига ишонадилар, руҳлар билан қоҳинлар мулоқот қилган, бу мулоқот ва алоқа усуллари сир тутилган. Ҳозирги давр спиритиклари «медиумлар» деб аталади. Спиритизмнинг «америкача» ва «европача» икки тармоғи фарқланади. Лекин ҳозирги кунда спиритизмнинг ҳақиқийлигини исботловчи далил мавжуд эмас.

Диссертацияда «Мистика» (юнонча «сирли», «дилда сақланувчи») сирли маъносини англатиши билан латинча «оккульти» сўзига мос тушиши асосланган. Муаллиф А.Торчинов ва Э.Балагушкиннинг «мистика» сўзига таърифини қиёсий таҳлил этган. Агар, А.Торчинов мистика худо билан бевосита алоқа, параилмий хусусиятга эга бўлган магиядир деб таъкидласа, Э.Г.Балагушкин фикрича, «Экстаз ёки бошқа паранормал ҳодиса мистик маъно ва аҳамиятга эга эмас» – улар фақатгина «сакрал ибтидо билан бевосита алоқа бўлсагина»²⁰ шундай маънога эга бўлиши мумкин, яъни эътиқоднинг турли типларини бир-биридан ажратиш мезони бу сакрал фаолиятдир. Шунинг учун, мистика ва эътиқоднинг бошқа турлари орасидаги фарқ мистикада сакрал ибтидо билан бевосита алоқа мавжудлигидан намоён бўлади. Қиёсий таҳлил натижасида, муаллиф мистика ва мистицизм инсонда қандайдир ўлчовга эга бўлмаган қўрқинч ёки титроқ уйғотувчи ички руҳий ҳолат деган хулосага келади. Бунда, амалиёт мистик характерга эга бўлиши

²⁰ Балагушкин Е.Г. Аналитическая теория мистики и мистицизма // Мистицизм: теория и история / под ред. Е.Г. Балагушкина, А.Р. Фокина. – Москва, 2008. – 18 с.

мумкин, демак, мистика диний эътиқодга ўхшаш эътиқод шаклидир.

Муаллиф фикрича, мистицизмнинг умумий ёндашувлари бошқа маданиятдан, масалан, буддавийлик ва даосизмдан, ёки неоплатонизм ва Қадимги Аҳддан олинishi мумкин. Бунда битта маъно унинг талқини учун бутунлай бошқа маънода ишлатилади. Мистицизм билан диний ва фалсафий тизимлардаги мистик амалиётлар орасида ўхшашлик намоён бўлади. Бу эса, диссертант фикрича, турли даражадаги ғоялардаги умумийликни акс эттиради.

Хуллас, эзотерика иррационал манбага эга бўлган билимнинг махсус туридир. Оккультизм, спиритизм, мистицизм эзотерик билимларнинг захирасини кенгайтиради, аммо, улар мустақил илмий билим мақомига эга эмас.

Диссертацияда Шарқ ва Ғарб эзотерик таълимотларининг умумий ва фарқли жиҳатлари, Ғарб эзотерик таълимотлари қадимги юнон-рим маданияти таъсирида пайдо бўлганлиги, Рим императори Константин ҳукмронлиги даврида эзотерик билимлардан амалиётда фойдаланиш расман тақиқланганлиги асосланган. Ғарбда эзотерик анъаналар тамплиерлар-розенкрейцлар-масонлар фаолиятида ва XIX аср бошлари XX аср охирида замонавий оккультистлар фаолиятида қайта тикланган, Шарқда эса, қадимги Ҳиндистонда бошланган эзотерик анъаналар ҳозирги давргача узлуксиз ривожланмоқда.

Муаллиф фикрича, Шарқ, хусусан, ҳинд эзотеризмида нафақат «жонли», балки «жонсиз», инсондаги ҳақиқий ўлмас ибтидо Атман тан олинган, Атман ва Худо Браҳман ўртасида жарлик йўқ, Ғарбда эса, эзотеризм маънавий идеал «руҳнинг нажо» топишида намоён бўлади. Эзотеризм ҳар қандай диннинг туб моҳиятидир. Дин маънавий покланиш йўлини танлаганлар учун Илоҳий макон сари очилган «кенг дарвоза» дир. Ҳар қандай дин ўзининг эзотерик асосига эга, масалан, насронийликда бу исихазм, Исломда тасаввуф, яҳудийликда каббалла ва ҳоказолардир. Ғарб эзотеризми алкимё ёки розенкрейцерликка оид мақолалар ва китобларда ўз ифодасини топган, бироқ, улар Ғарб эзотерикасини кенг доирада тадқиқ этилиши учун етарли эмас. Шу боис, XX аср ўрталари Ф.Йейцнинг илмий изланишларини Ғарб эзотеризмининг асослаш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин, аммо, бу ҳам етарли асос бўла олмайди. Диссертант фикрича, А.Фэвр тадқиқотларида Ғарбда эзотеризм «оккульт анъана» эмас, балки «тафаккур шакли» сифатида намоён бўлади. Унинг Ғарб эзотеризмига хос бўлган таснифи: бирламчи даражада ўзаро алоқадорлик, трансмутация, иккиламчи даражада кундалик амалиёт, ворисийлик каби хусусиятларда намоён бўлади. Муаллиф фикрича, бу хусусиятлар Шарқ эзотерик анъаналарида, масалан, буддизм, махаяна ва ваджраяна диний анъаналарида намоён бўлади, демак, уларни Ғарб эзотеризми сифатида чегаралаш нотўғри, чунки, макрокосмос ва микрокосмос ўртасидаги мутаносиблик, ворисийлик жиҳатларига кўра Ғарб эзотеризми ягона эмас, шу сабабли, А.Фэвр таълимоти асосида айни вақтда Шарқ, жумладан, Осиё диний анъаналарини ўрганиш мумкин.

Муаллиф фикрича, Шарқ фалсафасида мифологик, диний ва дунёвий тафаккур таъсирида шаклланган эзотерик қарашлар кейинчалик ислом

фалсафасидаги экзотерик ва эзотерик билимларнинг ривожланишига замин яратган. Зеро, бошқа Шарқ фалсафий таълимотларида бутун инсониятнинг комилликка эришиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган. Бунда, асосий фалсафий ғоя эзотерик билимлар орқали бутун инсониятнинг комиллик босқичига эришувидир, демак, шарқона эзотеризмнинг моҳияти инсониятнинг комилликка эришувини намоён этади. Диссертацияда Шарқ эзотеризмининг онтологик жиҳатлари Шайх Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи») асаридаги қарашлари асосида очиб берилган. Масалан, унинг Оллоҳ бутун борлиқнинг туб асосини ташкил этади, деган ғояси, тасаввуф эзотеризмида «Ягоналик» (Аҳадият) қисмларга ажралмайдиган бир бутунликни ифодаласа, «Софлик» тушунчаси на моддий ва на руҳий (ғоявийлик) хоссаларга эга бўлмаган ўзига хос моҳиятни англатади. А.Насафий борлиқнинг дастлабки субтанционал моҳияти бўлган мусаффо «Ваҳдат Жабарут» мавжудлигига алоҳида эътибор қаратган. Жабарут, унинг фикрича, жисм ва руҳнинг манбаи, Китоб ва Калом, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ ва одамнинг манбаидир. Шунингдек, Жабарут Улуғ оламнинг (Макрокосмнинг) уруғи (тухуми) бўлган бирламчи жавҳардир. Муаллиф Е.Э.Бертельснинг Насафий ижодига нисбатан танқидий мулоҳазаларини таҳлил этган. Хусусан, Е.Э.Бертельснинг Насафий таълимотидаги Худонинг Мутлақ бирлигини намоён этувчи «Аҳадият»ни унинг мусаффо кўпликнинг ажралмас бир бутунлигини ифодаловчи «Воҳидият» нуқтаи-назардан фарқлаш кераклиги ҳақидаги фикрни танқид қилган. Муаллиф фикрича, «Мутлақ ҳеч нима» – Аҳадият, Жабарут эса, Воҳидият (Ваҳдати сирф)дир. А.Насафийнинг улуғ оламнинг уруғи «жавҳар» ғояси фалсафада субстанция деб аталади. Муаллиф материалистларнинг субстанциянинг моддийлиги ва идеалистларнинг руҳий (номоддий, ғоявий)лиги ҳақидаги ғояларининг А.Насафий Ваҳдат таълимоти билан мутаносиблигини асослаган.

Диссертацияда тасаввуф эзотеризмининг асосий мақсади тубан нафсдан холи бўлиш асосида покланиш, маънавий-ахлоқий фазилатларни такомиллаштириш эканлиги асосланган. Маънавий покланиш инсонга Худони билиш учун қувват беради, у ҳар бир шахс феъл-атворини ўзи тарбиялаш имкони сифатида ҳам амал қилади.

Диссертацияда Қадимги Миср, ҳинд эзотеризмининг моҳияти асосланган. Масалан, Мисрдаги герметик ғоялар эзотеризмнинг амалий асоси бўлган ва «Зумрад лавҳа», «Помандрлар», «Мархумлар китоби» кабиларда ўз ифодасини топган, Ҳиндистонда эзотерик (ведик) билимлар брахманлар, кшатрийлар ва шудралар фаолиятида тўлиқ намоён бўлади. Муаллиф фикрича, ҳинд эзотерик таълимотларининг янги тўлқини XX асрнинг бошларида Рамакришна, Шри Ауробиндо Гҳош, Кришнамурти, Чандра Мохан Джеин (Ошо) ва бошқаларнинг эзотерик қарашларида оммалашган. Улар ўз таналари ва руҳини ўзгартириш учун ғайриинсоний қобилиятларни ишга солганлар, ўз кечинмаларини «эзотерик ҳолатларда»²¹ ифодалаганлар, анъанавий Европа маданиятидаги

²¹ Сатпрем. Шри Ауробиндо, или Путешествие сознания. – Нижний Новгород: Деком, 2006. – 130 с.

индивидуаллашув, бегоналашувни танқид қилганлар.

Хуллас, дунё манзарасида эзотеризм ўзига хос мақомига эга бўлмоқда, эзотерик ва мифологик тафаккур дунё илмий ва эзотерик манзарасининг бошланғич асоси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фалсафий таълимотларда дунёнинг эзотерик манзараси**» деб номланиб, унда эзотерик билимларнинг ўзгарувчанлиги асосланган. Муаллиф фикрича, эзотерик билимлар қадимги Юнонистон натурализидаги идеал образларда намоён бўлади. Масалан, Гераклитнинг дунёни оловга қиёслаши, ёки Анаксимандрнинг апейрон ҳақидаги ғояси илмий ва эзотерик билим сифатида намоён бўлади. Ўрта асрлар эзотеризмида дин устувордир. Муаллиф В.Ханеграаф²² ва Ф.Йейцнинг эзотерик таълимотларини қиёсий таҳлил этган. Хусусан, В.Ханеграаф Джордано Брунони ўз даврида фан ривожини черков ақидаларидан ҳимоя қилган «эркин фикрлаш»нинг мумтоз намунаси сифатида баҳолаган бўлса, Ф.Йейц «Джордано Бруно ва герметик анъаналар» китобида унинг таълимотидаги баъзи эзотеризм элементлари Ренессанс герметизми таъсирида шаклланганлигини асослаган.

Муаллиф Уйғониш даври намояндаларининг эзотеризмга муносабатини Фичино, Пико делла Мирандола, Бюргер ижодий мероси мисолида очиб берган, агар Ўрта асрларда эзотерик билимлар жодугарлик сифатида қораланган бўлса, «Уйғониш» даврида улар қайта тикланган. Жумладан, ўша давр зиёлиларига эзотерик таълимотлар таъсир этган, уларнинг асарлари мазмунига сингган, бу ғоялар аҳолининг кенг қатламларига масончилик ва розенкрейцерчиликни тарғиб қилишда қўлланилган.

Диссертацияда эзотеризмнинг диний ва фалсафий билимлардаги ифодаси очиб берилган. Муаллиф фикрича, дин фалсафаси диний таълимотга асосланади, масалан, яҳудийларнинг «каббала»си яҳудийлик эзотеризми ва дин фалсафаси сифатида намоён бўлади, демак эзотеризм, муайян маънода турли диний тизимларнинг синтезидир. Бу эса, эзотеризм ва диний тафаккурнинг аралашувига олиб келадиган тасаввурлар шакллантиради, шу боис, баъзи олимлар эзотеризмни дастлабки динлар деб ҳисоблаган. Масалан, Ж.Фрезер фикрича, магия диндан олдин пайдо бўлган, унинг бу фикри ҳар бир жамият магия билан боғлиқ ва ҳозирги жамиятда магик тасаввурлар фақатгина жамиятнинг интеллектуал қолоқ аъзолари учун хослигининг далилидир. Муаллиф, Ж.Фрезернинг бу фикрини инкор этган, чунки, улар бир-бири билан тақозоланган ҳодисалардир. Зеро, дин одамларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжига жавоб бўлса, магия инсон яширин билимининг маҳсули, оламни билишга интилиш сифатида амал қилади. Демак, муаллиф фикрича магия диндан олдин пайдо бўлган, деган фикр асоссиз ва эзотерика дастлабки дин эмас. Тадқиқотчи фикрича, магия ва умуман эзотерика инсон интеллектуал салоҳиятининг рўёбидир, уларда инсон-микрокосм марказий ўринни эгаллайди, динда дунёни бошқарувчи куч Худо бўлса, эзотеризмда бу куч онгсиз ва

²² Hanegraaf.W. Beyond the Yates Paradigm: the Study of Western Esotericism between Counterculture and New Complexity // Aries. – Brill, 2001. – Vol. 1., Issue 1. – 30 p.

